

9- SON
TA'LIM FIDOYILARI
RESPUBLIKA ILMIY-USLUBIY JURNALI
2021-YEAR
RESEARCH AND PUBLICATIONS
INTELLECT EDUCATION OFFICIAL
WWW.TALIMFIDOYILARI.UZ
Google Yandex
VIRTUAL JOURNAL
SCAN ME

«TA'LIM FIDOYILARI» ilmiy-uslubiy jurnali

## ILMIY NASHRLAR MARKAZI

# «TA'LIM FIDOYILARI»

## ILMIY-USLUBIY JURNALI

## BARCHA SOHALAR BOʻʻYICHA

**9 – SON, 1 – JILD SENTABR – 2021 yil**

**1 - QISM**

Google @mail Яндекс

WWW.TALIMFIDOYILARI.UZ

«TA'LIM FIDOYILARI» ilmiy-uslubiy jurnali

**TAHRIRIYAT**

**Editor in chief**
Abdurahmonov Abdushokir Abdukarimovich

**Bosh muharrir**
Abdurahmonov Abdushokir Abdukarimovich

**Preparing for publishing**
Hakimova Aziza Xaydaraliyevna

**Nashrga tayyorlovchi**
Hakimova Aziza Xaydaraliyevna

«TA'LIM FIDOYILARI»
ILMIY-USLUBIY JURNALI

**TAHRIR KENGASHI A'ZOLARI**

*Vahob Rahmonov*
**O‟zbekiston yozuvchilar uyushmasi a‟zosi**

*Qobil Kubayev Umarovich*
**Guliston davlat universiteti, dotsent**

*Jo'rayev Hamza Hamroqulovich*
**Mirzo Ulugbek nomidagi Samarqand davlat arxitektura-qurilish instituti, dotsenti**

*Asqarova O"g"ilxon Mamashokirovna*
**Namangan davlat universiteti "Pedagogika va psixologiya" kafedrasi mudiri, dotsent**

*To"xtaboyev Moxirjon Raximjonovich*
**Namangan MOK ilmiy-axborot tatqiqotlar bo‟limi boshlig‟i**

*Qambarov Ma"ruf Abduhakimovich*
**Sirdaryo viloyati XTB metodika bo„limi rahbari**

*Tashpo"latov G"ofurjon G"ulomovich*
**Filologiya fanlari nomzodi**

*Usmonova Umida Aybekovna*
**Pedagogika fanlari bo‟yicha falsafa doktori**

*Xurramov Sanjar Ravshanovich*
**O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Davlat boshqaruvi akademiyasi mustaqil tadqiqotchi**

**G‟ulomjonov Odiljon Raximjon o‟g‟li**
**Andijon Davlat Universitrti**
**Navoiy Davlat stipendiyasi sohibi**

Ta'lim fidoyilari-Respublika ilmiy-metodik jurnali
Guvohnoma № 1170 ISSN 2180-2160

# МУСИҚА САНЪАТИ БОШҚАРУВИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯ

***Маҳкамова Шоҳида Рахматуллаевна***
***Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти***
***"Мусиқа таълими" кафедраси мудири, доцент***

**Аннотация.** Ўзбекистонда барча соҳалар қаторида мусиқа санъатини ривожлантириш ва уни демократик жамият шароитига мос тарзда бошқариш амалга оширилмоқда. Биз бу ўринда мусиқа санъатининг инновацион бошқарув технологияси тўғрисида сўз юритамиз.

**Калит ўзлар:** мусиқа, мусика санъати, инновацион технология, бошқарув технологиялари.

***Инновацион технология тушунчаси.*** Ҳозирги замон бошқарув назарияси ва амалиѐтида бозор иқтисодиѐти ва демократик жамият шароитига мос бўлган маъқул ва мақбул технологиялар мавжуд.

***Технология*** деганда бирор мақсадга ѐки мақсадлар тизимига эришиш учун амалга ошириладиган жараѐнлар ва яратувчилик фаолияти назарда тутилади. Бу тушунча илм – фанга 1872 йилдан бошлаб киритилган. Бошқарув технологияларга қуйидаги хусусиятлар хос бўлади:

1) бошқарувни замонавий талаблар даражасида ташкил қилиш;
2) бошқарувни сифатли амалга ошириш;
3) бошқарув жараѐнида энг қулай, мақбул усуллар, воситалар ва тадбирларни қўллаш;
4) бошқарув асосларини янгилаб бориш эвазига самарадорликка эришиш ва ҳ.к.

Бошқарув технологиялари бошқарувнинг демократик ва либерал усулларига асосланади. Бошқарувда демократик усул қонунийлик, адолат, жамоавийлик каби қадриятларга, либерал усул эса эркинлик, ташаббускорлик, рағбатлантириш сингари қадриятларга асосланади. Айнан бошқарув технологиялари демократик ва либерал усуллар асосида яратилади, такомиллаштирилади ва амалиѐтга татбиқ этилади. Шу сабабли бугунги кунда бошқарув назарияси ва амалиѐтида технологиялар масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Аслида ‒технология‖ атамаси юнонча бўлиб ‒маҳорат, санъат ва фан уйғунлиги‖ маъносини англатади, бунда ***бошқарув маҳорати ва санъати тўғрисида таълимот,*** деган маънони назарда тутилади. Эътибор берилса, технологияда қуйидаги уч масала мужассам бўлган:

1) бирор масалани билим, кўникма ва маҳорат асосида ҳал қилиш;
2) масалани ҳал этишда санъаткорона йўл тутиш;
3) буларнинг барчасида илмий тафаккурга таяниш.

Шу сабабли XX асрнинг 90 – йилларидан бошлаб бошқарувга технологияларни

Ta'lim fidoyilari-Respublika ilmiy-metodik jurnali
Guvohnoma № 1170 ISSN 2180-2160

татбиқ этиш кенг одат тусига кирди. Натижада бошқарув самарадорлиги кучайди ва ўринсиз хатоларга йўл қўйиш камайди. Айниқса, ижтимоий соҳа бошқарувига технологияларни татбиқ этиш ―портлаш эффекти‖га олиб келади. Бошқарув технологиясининг уч тури мавжуд:

1) ахборотли;
2) ускунали;
3) ижтимоий.

***Ахборотли технологияда*** моддий ва маънавий ишлаб чиқаришда маълумотлар мажмуасига таяниш, ***ускунали технологияда*** бошқарувга замонавий техник воситаларни тадбиқ этиш ва ***ижтимоий технологияда*** бошқарув ходимлари фаолиятини талаб даражасида ташкил қилиш назарда тутилади. Мазкур технологиялар турлари бўйича мустақиллик йилларида мамлакатимизда илмий, назарий ва амалий ишланмалар яратилди. Бироқ, уларни амалиѐтга татбиқ этиш мураккаб кечаѐтганлигини қайд этиш жоиз.

Мусиқа санъати бошқарувининг самарадорлигига эришишда ***инновацион*** бошқарув технологияси муҳим ўрин тутади. ―Инновация‖ тушунчаси лотинча бўлиб ―киритилган янгилик, ихтиро‖ маъноларини англатади ва инновацион технология бошқарувда энг сўнгги янгиликларни татбиқ этишга асосланади. Инновацион технология XX асрнинг 90 – йилларда амалиѐтга кенг татбиқ этила бошлади. Бу технология илм – фан ва амалиѐт уйғунлигининг ҳосиласидир. Бошқарувга инновацион технологияни татбиқ этиш бугунги кунда кенг одат тусига кирди.

***Мусиқа санъати бошқарувида инновацион технология.*** Мусиқа санъати бошқаруви инновацион технологияси ўзига хос бошқарув асоси бўлиб, унга қуйидаги хусусиятлар хос:

1) мусиқа санъати бошқарувини мутлақо янги ғоялар, шакллар ва тузилмалар асосида ташкил қилиш;
2) соҳа бошқаруви усуллари, воситалари ва механизмларини мудом янгилаб бориш;
3) соҳа бошқарувига янгича фикрловчи бошқарув кадрларини жалб қилиш;
4) соҳа бошқарувига янгиликларни татбиқ этиб боришни устувор билиш.

Бу тўрт омил муҳим аҳамиятга эга. Чунки мусиқа санъати бошқарувига янги ғоялар, шакллар ва тузилмаларга *асосланиш* мусиқа санъатининг хусусиятлари билан белгиланади. Бошқарув усуллари ва воситаларининг *янгилаб бориши* мудом изчилликни, янгича тафаккурли кадрларни *жалб қилиш* бошқарув сифатини ошириш ва соҳа бошқарувига янгиликларни *тадбиқ этиб* бориш эса мутлоқа янги асосларга таянишни билдиради. Негаки бошқа санъат турларидан фарқли ўлароқ мусиқа санъатига уч хусусият хос:

а) эркинлик;
б) ижодкорлик;
в) масъулият.

Ta'lim fidoyilari-Respublika ilmiy-metodik jurnali
Guvohnoma № 1170 ISSN 2180-2160

***Мусиқа санъати бошқарувига инновацион технологияни тадбиқ этиш.*** Мусиқа санъати бошқарувида инновацион технология соҳада эркин руҳни қарор топтириш, ижодкорликни кучайтириш ва масъулиятликни ошириш имконини беради. Негаки инновацион технология қуйидаги хусусиятлар хос:
1) бошқарув ҳужжатларини янги маълумотлар ва янгича ѐндашувлар асосида ишлаб чиқиш;
2) бошқарув ҳужжатларини ишлаб чиқишга кўпчиликни жалб қилиш;
3) бошқарувга экспертлар гуруҳини тортиш;
4) бошқарув фаолиятини аудит текширув воситасида мудом мониторинг қилиб бориш ва ҳ.к.
Мисол учун ―Мусиқа санъатини ривожлантириш Дастури‖ни ишлаб чиқиш жараѐнини олайлик. Мазкур масаланинг инновацион технологияси қуйидагича бўлади:
а) мусиқа санъати соҳасининг профессионал жиҳатдан етук илмий ва амалиѐтчи кадрларидан Ишчи гуруҳ тузилади;
б) мусиқа санъатининг ҳозирги ҳолати ѐзма равишда таҳлил қилинади ва мавжуд ҳолат тўғрисида хулосага келинади;
в) мусиқа санъатини ривожлантиришга оид янги маълумотлар, йўналишлар ва ѐндошувлар йиғилади, энг мақбуллари сараланади;
г) мусиқа санъатини ривожлантириш мақсади, вазифалари, усуллари ва йўналишлари ѐзма баѐн қилиб чиқилади;
д) Дастурнинг дастлабки варианти тайѐр бўлгач у кўриб чиқилиши учун: 1) бошқарув аъзоларига; 2) соҳа мутахассисларига; 3) холис экспертларга тақдим қилинади;
е) билдирилган фикр ва хулосалар асосида Дастур яна бир бор такомиллаштирилади;
ѐ) Дастур бошқарув ҳайъати аъзолари тмонидан қабул қилинади ва раҳбар буйруғи билан тасдиқланиб, ижро учун тақдим қилинади.
Эътибор берилса, бир ҳужжатни ишлаб чиқиш ошкора ва кўпчиликнинг иштироки асосида амалга оширилади. Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда жамиятимиз ―Мусиқа санъатини ривожлантириш Дастури‖га эга эмас. Аммо, бу борада тажрибалар мавжуд. Мисол учун, ―Жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш дастури‖, ―Маънавият тарғиботи дастури‖, ―Миллий ғоя тарғиботи дастури‖ кабилар шулар жумласидандир. Шу маънода Кадрлар тайѐрлаш миллий Дастури доирасида ―Мусиқа санъатини ривожлантириш Дастури‖ни ишлаб чиқиш ва амалиѐтга татбиқ этиш долзарб бўлиб турибди. Бизнинг фикримизча, мазкур Дастурда қуйидаги масалалар ўз ифодасини топиши керак:
- мусиқа таълимини ривожлантириш асослари;

Ta'lim fidoyilari-Respublika ilmiy-metodik jurnali
Guvohnoma № 1170 ISSN 2180-2160

- мусиқа таълимига қўйиладиган давлат талаблари;
- мусиқа соҳасининг барча турлари бўйича кадрлар тайѐрлаш;
-мусиқа санъатини янада ривожлантириш асослари ва йўналишлари;
- мусиқа санъатининг миллий ва умумжаҳон тажрибаларини ўрганиш вазифалари;
- мусиқа санъати бошқаруви тизими;
- мусиқа санъати бошқаруви кадрларини тайѐрлаш асослари;
-мусиқа санъатини ривожлантириш мониторинги механизмлари.

Шу маънода мусиқа санъати бошқарувининг инновацион технологиясида ***бошқарув кадрларига*** нисбатан қатъий талаблар қўйилади. Аввало таъкидлаш лозимки, бугунги кунда мусиқа санъати бошқаруви кадрлари танқислиги мавжуд. Чунки ҳозирги таълим тизимида мусиқа санъати бошқаруви кадрларини тайѐрлаш назарда тутилмаган. Шу сабабли мазкур соҳа бошқаруви мураккаб ҳолатда турибди. Бироқ, мавжуд имкониятлардан фойдаланиб мусиқа санъати бошқаруви кадрлари тайѐрлаб борилиши керак. Шу жиҳатдан мусиқа санъати бошқаруви инновацион технологиясида бошқарув кадрларига қуйидаги асосий талаблар қўйилади:

1) мусиқа соҳасини профессионал даражада билиш;
2) бошқарувга оид билим, кўникма ва малакага эга бўлиш;
3) бошқарувга илмий асосда ѐндашиш лаѐқатига эга бўлиш;
4) ўзи устида мунтазам ишлаб боиш ва ҳ.к.

Яқин вақтларгача бошқарув назарияси ва амалиѐтида муайян соҳа бўйича мутахассис шахсларни шу соҳа бошқарувига жалб қилиш тажрибаси мавжуд эди. Бошқарувнинг инновацион технологияси идрок этилгач, соҳаларга номутахассис кадрларни жалб қилиш анъанаси ҳам таркиб топди. Чунки, бунда кадрларнинг бошқарувдаги лаѐқатлиги, билими ва тажрибаси назарда тутилади. Албатта, муайян соҳаларда бу ѐндашув ўзини оқлаѐтгани ҳам бор гап. Бироқ, бизнинг ѐндашишимизга кўра, мусиқа санъати бошқарувига мусиқа соҳаси бўйича мутахассис кадрларни жалб қилиш самарали ҳисобланади. Негаки мусиқа санъати соҳаси нозик бўлиб, унда ўзига хос хусусиятлар мавжуд. Мусиқа таълимини олмаган шахснинг соҳа бошқарувида самарадорликка эришиши шубҳа остида қолади.

Зеро, мусиқа санъати бошқаруви инновацион технологияси демократик қадриятларга асосланиши билан аҳамиятга эга. Бунинг учун инновацион дастурий дидактик мажмуаларни яратиб боришга эътибор бериш керак бўлади. Унга кўра, мусиқа санъати бошқарувига оид янгича усуллар, воситалар ва материаллар изчил равишда шакллантирилиб, амалиѐтга татбиқ этиб борилади. Бунда бошқарув жараѐни

Ta'lim fidoyilari-Respublika ilmiy-metodik jurnali
Guvohnoma № 1170 ISSN 2180-2160

дастурий ва технологиялар билан таъминланади. Афсуски, ҳозирги бошқарув жараѐни ва фаолиятига татбиқ этиш мумкин бўлган дастурий дидактик мажмуалар кам яратилмоқда. Чунки бошқарув бўйича илмий кадрлар танқислиги мавжуд. Вахоланки, бундай ишланмалар бошқарув самарадорлигини оширувчи муҳим омиллардан ҳисобланади. Шу сабабли бунда анъанавий бошқарув жараѐни инновацион жараѐни билан қиѐсланиб, олинган натижалар баҳоланади, муҳим хулосаларга келинади.

Мусиқа санъати бошқаруви инновацион технологиясида ***инновацион салоҳият*** муҳим аҳамиятга эга. Инновацион салоҳият қуйидагиларни қамраб олади:
1) мусиқа санъати бошқарувини фақат янгиликлар асосида амалга ошириш;
2) соҳа бошқарувини модернизациялаб бориш;
3) соҳа бошқарувига илм – фанда ва мусиқа санъатида амалга оширилган ихтироларни татбиқ қилиш;
4) анъанавий бошқарув усулларини мазмунан ва шаклан янгилаб туриш;
5) бошқарув тизимини бутунлай янгилаш.

Инновацион салоҳиятнинг таркиб топиши бошқарув кадрларининг савиясига боғлиқ бўлади. Аслида ***салоҳият*** – истеъдоднинг бир тури бўлиб, инсон ўзини муайян тарзда унга келадиган илҳомни қабул қилишга тайѐрлагандан сўнг юз берадиган сифатдир. Шу маънода салоҳият шахс ва жамиятнинг ички имкониятлари ҳамда ҳали тўла намоѐн бўлмаган куч – қувватини ифодалайди. Агар, бошқарув кадрларининг 50 фоизи илмли, малакали ва маҳоратли бўлса инновацион салоҳият юқори бўлади. Эллик фоиз даражасини ҳисобга олиш шахс имкониятига боғлиқдир. Бу инсон салоҳияти халқаро индексида (кўрсаткичида) ҳам ўз ифодасини топган. Бунга эришиш учун бошқарув раҳбари (етакчиси) профессионал билимга эга бўлиши, изланувчанлик ва ижодкорлик хусусиятларига эга бўлиши лозим.

Мусиқа санъати бошқаруви раҳбари тизимда ва жамоада юксак даражадаги инновацион салоҳиятни таркиб топтиради. Барча замонларда кузатилганидек, ҳозирги замон бошқарув назарияси ва амалиѐтида ташкилот раҳбари фаолиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу табиий ҳол, чунки раҳбар фаолиятига асосан бошқарув самарадорлиги ва соҳа ривожланиши рўй беради. Инновацион салоҳият мусиқа санъати бошқарувида:
1) турғунликка барҳам беради;
2) авторитар ва тоталитар усулларда қарорлар қабул қилишга изн бермайди;
3) тизим ва жамоада уюшувчанликни юзага келтиради;
4) бошқарув самарадорлигига асос яратади.

Инновацион салоҳият мусиқа санъати бошқаруви учун битмас – туганмас манба

Ta'lim fidoyilari-Respublika ilmiy-metodik jurnali
Guvohnoma № 1170 ISSN 2180-2160

ҳисобланади. Шундай қилиб инновацион технология замонавийлиги, қулайлиги ва кутилган самарадорликка олиб келиши билан бошқарув технологиялари ичида нисбатан аҳамиятга эга. Албатта, бундай технологияга эга бўлиш фақат изланиш ва ижодийликка боғлиқ бўлади.

**Фойдаланилган адабиѐтлар**

1. T.Ortiqov. Musiqa o'qitish metodikasi. O'quv qo'llanma. T.2010 y.
2. Mannonov S. O'zbek xalq musiqa madaniyati. Monografiya.
3.H.Nurmatov, N.Yo_ldosheva « O'zbek xalq musiqasi ijadiyoti» o_quv qo_llanma. - T .:«G_ofur G_ulom» nashriyoti, 2007 y.
4. Маҳкамова, Ш. Р. (2020). ХАЗРАТ НАВОИЙНИНГ МУСИКИЙ ТАФАККУРИ. Science and Education, 1(Special Issue 4), 215-222.
5. G. Sharipova «Musiqa metodikasi». - T.« O_zbekiston faylasuflar» nashriyoti, 2012 y
6. Маҳкамова, Ш. Р. (2020). МУСИҚА ИЛМИ ВА ИСЛОМ ДИНИ: ТАЛҚИН МУАММОСИ. Academic research in educational sciences, (3).
7. Асадуллаева .М.А. ―Халқ таълими‖ Ёшларни маънавий тарбиялашда қўшиқчилик санъатининг тутган ўрни. 2020-№3
8. Махкамова, Ш. Р. Асадуллаева, М. А. (2020). «Великий шѐлковый путь»: взаимодействие культур запада и востока в контексте проблемы модернизации музыкального образования в узбекистане. Science and Education, 1(Special Issue 4).
9. Халилова Махфуза ―SAN'AT – MOJIZADIR‖ SCIENCE AND EDUCATION SCIENTIFIC JOURNAL. SPECIAL ISSUE 4 169-176

Ta'lim fidoyilari-Respublika ilmiy-metodik jurnali
Guvohnoma № 1170 ISSN 2180-2160

**MUNDARIJA:**


| | | |
|---|---|---|
| 1 | **O„ZBEK TILINI O„QITISHDA YOZUV MALAKALARINI RIVOJLANTIRISH MUAMMOLARI**<br>**Мухитдинова Хадича Сабировна** | 4 |
| 2 | **QADIMDA INSON HUQUQLARI G`OYALARINING PAYDO BO`LISHI VA RIVOJLANISHI.**<br>**Muzaffarov Ikromjon Nodirbek o`g`li** | 12 |
| 3 | **ЎЗБЕК ОИЛАЛАРИДА ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ ВА МАЪРИФИЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ МОДЕЛИ.**<br>**Арсланова Суғдиѐна Анваровна** | 16 |
| 4 | **ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СОҲАСИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР**<br>**Мадумаров Талантбек Толибжонович** | 24 |
| 5 | **МУСИҚА САНЪАТИ БОШҚАРУВИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯ**<br>**Маҳкамова Шоҳида Рахматуллаевна** | 29 |
| 6 | **MUSIQA VA MUSIQIY RITMIK HARAKATLAR YORDAMIDA DAVOLASHNING QISQACHA TARIXI**<br>**Asadullayeva Mastura Abduvohobovna** | 35 |
| 7 | **МУСИҚА САНЪАТИ БОШҚАРУВИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯ** | 40 |

Ta'lim fidoyilari-Respublika ilmiy-metodik jurnali
Guvohnoma № 1170 ISSN 2180-2160


| | | |
|---|---|---|
| | **Maҳкамова Шоҳида Рахматуллаевна** | |
| 8 | **JEYN OSTINNING "PRIDE AND PREJUDICE" (ANDISHA VA G„URUR) ROMANIDA OILAVIY MUNOSABATLAR VA ULARNING JAMIYATGA TA"SIRI**<br>**Tadqiqotchi Sayitqulova Z.H** | 46 |
| 9 | **THE USE OF DIALECTAL WORDS IN WORKS OF MARK TWAIN**<br>**Nematova Nargiza Azimovna, G'afurova Vasila Murodillayevna** | 52 |
| 10 | **AVSTRALIYA VA OKEANIYADAGI GEOGRAFIK NOMLAR VA ULARNI MAKTAB GEOGRAFIYASIDA O"RGANISH**<br>**Акрамова Г,Мирзоева И.Э** | 59 |
| 11 | **ОЛИЙ ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎҚИТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРИ**<br>**Мавланов Зомониддин Махамадмусаевич** | 63 |
| 12 | **ЁШЛАРНИ ИНФОРМАЦИОН ХУРУЖЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИНГ РОЛИ**<br>**Н. Джуҳонова, Д. Иброҳимов** | 66 |
| 13 | **BOSHLANG"ICH TA"LIMDA YANGI MA"LUMOTLARNI O"ZLASHTIRISH JARAYONINI FAOLLASHTIRISHNING SAMARALI USULLARI.**<br>**Maxkamova E"zozxon Xikmatullayevna** | 70 |
| 14 | **OLIY TA"LIM MUASSASASI TALABALARIDA IJTIMOIY-MADANIY KOMPETENTLIKNI SHAKLLANTIRISHNING ASOSIY MEZONLARI** | 75 |

Ta'lim fidoyilari-Respublika ilmiy-metodik jurnali
Guvohnoma № 1170 ISSN 2180-2160

Jakbarova Zarifaxon Solijon qizi

| | | |
|---|---|---|
| 15 | **BUGUNGI KUNDA TARIX FANINI O‟RGANINSHNING AHAMIYATI**<br>**Eshonqulova Gulnoz Nu‟monovna** | 79 |
| 16 | **ЁШЛАРНИ ИНФОРМАЦИОН ХУРУЖЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИНГ РОЛИ**<br>**Н. Джуҳонова,Д. Иброҳимов** | 82 |
| 17 | **OLIY TA‟LIMDA MODULLI O‟QITISH TEXNOLOGIYASINING AHAMIYATI**<br>**Djumanqulov Azamat Abdurahimovich** | 86 |
| 18 | **ONA TILI DARSLARIDA INTERFAOL TA‟LIM VA UNING DIDAKTIK IMKONIYATLARI**<br>**Malohat Nazarova** | 90 |
| 19 | **АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ТАМОЖЕННОГО КОНТРОЛЯ ТОВАРОВ, ПЕРЕМЕЩАЕМЫХ В МЕЖДУНАРОДНЫХ ПОЧТОВЫХ ОТПРАВЛЕНИЯХ**<br>**Абдулазизова Альбина** | 93 |
| 20 | **ИНКЛЮЗИВНАЯ ИНСТИТУЦИОНАЛЬНАЯ СРЕДА КАК ВАЖНЫЙ ФАКТОР УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ ЭКОНОМИКИ**<br>**И ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА**<br>**Камилова Наргиза Абдукахоровна** | 97 |
| 21 | ***МЕНИНГ МАКТАБИМ – МЕНИНГ ФАХРИМ***<br>***Шухрат Садыков*** | 108 |

| | | |
|---|---|---|
| 22 | **“МИФТОҲУЛ-АДЛ” АСАРИ ВА УНИНГ ЁЗИЛИШ ТАРИХИ**<br>**М.Баймиров** | 113 |
| 23 | **ЛЕКСИК ПРЕСУППОЗИЦЯНИНГ МОХИЯТИ, ИФОДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ**<br>**Махмудов Шухрат Абдулазизович** | 116 |
| 24 | **ҚАТАҒОНЛИК СИЁСАТИ ФОЖЕАЛАРИ.**<br>**Дилнора Акбарова** | 121 |
| 25 | **MAKTABGACHA YOSHIDAGI BOLALARNI OVQATLANTIRISH VA UNI TASHKIL ETISHDA XAVFSIZLIK MEZONLARI**<br>**Utanova Naziraxon Maxmudjonovna,Maxmudova Aziza Alisher qizi, Abdusattorova Shaxribonu Alisher qizi** | 124 |
| 26 | **QORAQALPOQ LINGVISTIKASIDA GENDER TADQIQI**<br>**Rzamuratova Zlixa Quwatbaevna** | 128 |
| 27 | **“АЛИШЕР НАВОИЙ” РОМАНИДА ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ**<br>**Шомуротова Чарос Равшан қизи** | 131 |
| 28 | **SHAHAR YO‟LOVCHI TRANSPORTI DISPETCHERLIK BOSHQARUVINI SHAKLLANTIRISH VA TAXLIL QILISH**<br>**Omonov F.A., Islamov E.B.** | 135 |
| 29 | **SUNIY YO'LDOSH ALOQA TARMOQLARI VA ULARNING TURLARI**<br>**Ravshanova Sadoqat Shavkat qizi, Nazarov.A.M** | 143 |
| 30 | **CORRELATION BETWEEN TERMS OF 5G NETWORKS, IOT AND D2D COMMUNICATION** | 146 |

Ta'lim fidoyilari-Respublika ilmiy-metodik jurnali
Guvohnoma № 1170 ISSN 2180-2160


| | | |
|---|---|---|
| | Nozima Musaboyeva Bahtiyor qizi | |
| 31 | **C# DASTURLASH TILIDA FUNKSIYALAR VA ULARDAN FOYDALANISH**<br>**Ibragimova K.U., Inomiddinov S.N.** | 154 |
| 32 | **EFFECTIVENESS OF USING DIFFERENT METHODS IN TEACHING ENGLISH**<br>**Yangiboyeva Umidaxon** | 159 |
| 33 | **SOME FORMS OF DIMINUTIVES IN ENGLISH AND SPANISH**<br>**Mamatkulova Nodira** | 162 |
| 34 | **O„ZBEK XALQ ERTAKLARIDA SAFAR MOTIVI**<br>**Mashrapova Gulsanam Axadovna** | 166 |
| **35** | **УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРДА “ТАРБИЯ” ФАНИГА МУСИҚАНИ ИНТЕГРАЦИЯЛАШДА КЛАСТЕРЛИ ЁНДАШУВ**<br>**Қодирова Феруза Усмановна, Мухитдинова Малоҳат Саиджабборовна** | 171 |
| **36** | **BO`LAJAK MUSIQA O`QITUVCHILARINING KASBIY TAYYORGARLIGINI TAKOMILLASHTIRISHDA KLASTERLI YONDASHUV MASALALARI.**<br>**Muxitdinova Malohat Saidjabborovna** | 177 |